УзССР Давлат китоб палатаси
260195

Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 19 январь, пайшанба №9 (21.772.) Сотувда эркин нархда.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА МАЖЛИС



18 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда айрим вазирликларнинг раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловдан кейин вилоят ва туманларда ўтказилган биринчи ташкилий сессияларнинг якунлари, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар ҳамда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг бу борадаги ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари. Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: мажлис пайти.**

**С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

17 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг ресурслар, материал-техник таъминот ва шартномалар, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мажмуаларининг қўшма мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди. Мажлис «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмасининг 1994 йилдаги фаолияти ва 1995 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш истиқболларига бағишланди. Йиғилишда вазирликлар, қўмиталар, идора ва ташкилотлар, мазкур уюшманинг ҳудудий акционерлик компаниялари, улгуржи-савдо-воситачи фирмалари раҳбарлари қатнашди.

Мажлисда мулк шаклини ўзгартирган «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмасида ўтган йили иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида қатор ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Хусусан, республикада товар-хом ашё биржаси, уюшманинг доимий ярмаркаси, трансэкспедиция агентлиги ва биржа банки фаолият кўрсата бошлади.

Бироқ «Ўзулгуржибиржасавдо» фаолиятида камчиликлар, муаммолар ҳам йўқ эмас. Ўтган йили уюшма томонидан ҳукуматлараро имзоланган битимларда кўзда тутилган маҳсулотларнинг баъзи турлари тўла етказиб берилмаган. Салмоқли дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжуд. «Ўзулгуржибиржасавдо» таркибидаги ҳиссадорлик жамиятларининг ўз акцияларини чиқариш юзасидан олиб бораётган ишларини ҳам қониқарли деб бўлмайди.

Шунингдек, республика товар-хом ашё биржаси мамлакатимиздаги саноат корхоналарининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаяпти. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмасининг вилоятлардаги бўлинмалари билан алоқа яхши йўлга қўйилмаган. Биржанинг жойларда минтақавий шохобчаларини ташкил этиш ишлари ҳам суст.

Мажлисда республикамиз бозорини маҳсулот билан тўлдириш кўп жиҳатдан уюшма фаолиятига боғлиқлиги, ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда ишлаш лозимлиги, муаммоларни вазирликлар, идора ва ташкилотлар билан баҳамжиҳат ҳал этиш зарурлиги қайд этилди. Уюшма раҳбарига камчиликларни қисқа фурсатда бартараф қилиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари В. Чжен нутқ сўзлади. Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов ва М. Шарифхўжаев иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

## САМИМИЙ УЧРАШУВ

17 январь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Корея Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ким Ир Хек, унинг илтимосига кўра, қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўз дастурий ғояларини рўёбга чиқариш борасидаги фаолияти, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва партиямизнинг унда тутган ўрни ҳақида сўзлаб берди. У мамлакатимиз тарихида илк бор кўппартиялилик асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳалллий Кенгашларига ўтказилган эркин сайловлар катта тарихий воқеа бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Биринчи котиб ХДП ташкилотларининг бу сайловларни тайёрлаш ва ўтказишдаги иштироки, партиямиздан кўрсатилган номзодлар эришган натижаларга ҳам тўхталди.

Сайловлар деди у, Ўзбекистон ХДПнинг жамиятдаги жараёнларга таъсири анча салмоқли эканлигини яна бир бор исботлади.

Элчи Ўзбекистонда давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайловлар юксак савияда, демократик руҳда уюшқоқлик билан ўтганлигига юқори баҳо берди, Корея Халқ Демократик Республикасидаги сиёсий аҳвол, унинг барқарорлиги ҳақида сўзлаб берди.

Суҳбатда Корея Меҳнат партияси билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш хусусида ўзаро фикр алмашилди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази**

## ШАРҚНИНГ ЧИРОҒИ ЎЧМАС...

Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказидаги миллий ва умуминсоний қадриятлар бўлими исломий ва тасаввуфий қадриятлар кенгаши ташаббуси билан маърифий тадбир ўтказди. Унда республиканинг нуфузли файласуфлари, тарихчи ва шарқшунос олимлари, исломшунослар ва адабиётшунослар, ёзувчи ва адиблар иштирок этдилар.

Анжуманни марказ раҳбари академик Эркин Юсупов олиб борди. Файласуф олим, профессор Омонулла Файзуллаев «Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий -- Шарқнинг буюк мутасаввуф - файласуф олими» мавзуида катта маъруза қилди. Шайх Шаҳобиддин Сухравардий Шарқнинг йирик файласуфи, давлат арбоби ва моҳир сиёсатчи бўлган. Таваллудига 850 йил тўлган бу буюк аждодимиз тасаввуфидаги янги сухравардийа тариқатига асос солди.

Анжуманда ўзаро фикр алмашган Абдуқодир Ҳайитметов, Шаърий Ҳаким Жузжоний, Обид Акромхўжаев, Ориф Усмонов, Зиёдулла Давронов, Нусратилла Жумахўжа, Бахтиёр Тўраев, Султонмурод Олимов кабилар ўз сўзларида ислом маърифати ва тасаввуфий қадриятлар тўғрисида, сухравардийа тариқати ва унинг йирик намояндалари хусусида тўхталдилар.

**Қаҳрамон РАЖАБОВ.**

## ОЛТИН ВОДИЙ МАРЖОНИ

Марказий Фарғона чўлларининг қоқ маркази кун келиб Андижон вилоятининг улкан пахта майдонига айланади дейилса, бир пайтлар ҳеч ким ишонмасди. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бу жойлар тақдирнинг ихтиёрига ташлаб қўйилмади. Замондошларимиз чўл ўрнида боғу бўстон, чаманзор бунёд этдилар. Бу ишларга 20 йил кифоя қилди.

— Бу ерларни оммавий равишда ўзлаштириш Комсомолобод тумани ташкил этилган 1974 йилдан бошланди, —дейди туман ҳокими, ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши ижроия бюросининг аъзоси Атҳамжон Ҳакимов.

— Сув йўллари ва сув иншоотлари барпо этиш ҳисобига қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди. Ёшликка хос ғайрат-шижоат ва жасорат майдонига айланган туманимизга кўпчилик дил амри, қалб даъвати билан келган. Шунинг учун янги туман Комсомолобод деб аталган. Келажак авлодга чўл ўрнида обод бир маскан қолдириш чўлқувар ёшлар учун катта мақсадга айланган эди. Туманимизнинг бугунги қиёфаси уларнинг меҳнати, жасорати ва заҳматига қўйилган ҳайкалдек кўзни қувонтиради.

Андижон вилоятидаги кенжа ва навқирон бу туманнинг истиқболи порлоқ. У кун сайин гуллаб-яшнамоқда. Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда туман меҳнаткашлари кейинги йилларда олдинги ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Ўтган йили Комсомолободда салкам 40 минг тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этилди. Туман халқ хўжалигини иқтисодий, ижтимоий ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор беріляпти. Маиший хизмат соҳалари кенгайтирилмоқда. Саноатни қишлоққа жалб этиш борасида талай ишлар амалга ошириляпти. Дон, картошка, озуқабоп экинлар етиштиришни кўпайтиришга хизмат қилувчи бир қатор янгиликлар амалда қўлланилмоқда. Комсомолободликлар ишонч билан эртанги кунга мустаҳкам пойдевор қўйишмоқда. Кенжа туманни олтин водийнинг маржонига қиёслашади. Зеро, чўлда битган чаманзор чиндан ҳам инжудек товланади.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ШУ КУННИНГ НАФАСИ

### *Мамлакатимизда*

#### ЯНГИ ПАСПОРТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Хоразмда фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг янги паспортини топшириш бошланди. Урганч шаҳрида бу муҳим воқеага бағишланган маросим бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими М. Жуманиёзов фахрийлар, ёшлардан бир гуруҳига фуқаролик гувоҳномаси — паспортларни тантанали равишда топширди.

#### ТАДБИРКОРЛАР КЕНГАШИ

Жиззах шаҳрида 400 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Лекин кўплаб кичик корхоналар иқтисодий танглик, сармояларнинг етишмаслиги, банк тизимидаги сансоларликлар оқибатида кутилган натижаларга эриша олмаяпти.

Шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбиркорлар йиғинида ана шу муаммолар хусусида фикрлашиб олинди.

**(ЎзА).**

#### «СОВҒА»ГА АВТОМОБИЛЬ ЧИҚДИ

НАВОИЙ, (мухбиримиздан). «Совға» пул-буюм лотереяси мустақил республикамизнинг кўплаб фуқароларига чинакам совғалар олиб келди. Бундай совғага Навбаҳор тумани матлубот жамиятига қарашли 21-аралаш моллар дўкони мудираси Шамсия Мансурова ҳам муяссар бўлди. Унинг 012 разрядли, серия рақами 001386 ва билет рақами 065 бўлган лотереясига «ТИКО» енгил автомобили чиқди. Омаддан Мансуровалар оиласининг қувончи чексиз. Шунингдек кўплаб навбаҳорликлар «Совға» лотереясига видеомагнитофон жуфтлиги, юмшоқ мебеллар тўплами ва гиламлар ҳам ютиб олишди.

**Музаффар ШАРОПОВ.**

#### ОҚ ЙЎЛ, «ЯНГИ ҲАЁТ»!

Самарқанд, (мухбиримиздан). Вилоятдаги кенжа Тойлоқ тумани ҳам ўз газетасига эга бўлди. Унга «Янги ҳаёт» деб ном берилди. Газетанинг дастлабки сонида вилоят ҳокимининг табриги ва туман ҳаётига оид қизиқарли мақолалар ёритилган. Айримлар борларини уддалолмай турган бир пайтда ўз нашрини ташкил этиши ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туман ҳокимиятининг савобли ишларидан биридир.

Рўзнома туман ва вилоят ижтимоий ҳаётида ўз ўрнини топади, деган умиддамиз. Оқ йўл, «Янги ҳаёт».

**Фармон ТОШЕВ.**

#### МЕРГАНЛАР БАҲСИ

Наманган, (мухбиримиздан). Шу йил май ойида Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланади. Шу санага бағишлаб вилоят ҳокимининг махсус соврини учун кўп босқичли биатлон мусобақаси бошланган эди. Унинг биринчи босқичи ўтган йилнинг сентябрь ойида якунланганди. Янгиқўрғон тумани марказидаги ўйингоҳда эса унинг иккинчи босқич беллашувлари бўлиб ўтди. Унда 14 жамоанинг 60 дан ортиқ ёш спортчиси мерганлик ва чаққонликда ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Мусобақанинг учинчи босқичи олдинда турибди. Беллашув Ғалаба байрами арафасида якунланади.

**Раҳимжон ИРИСОВ.**

#### МАМАТҚУЛ ОТА ВИЛОЯТ ЧЕМПИОНИ

ГУЛИСТОН, (мухбиримиздан). Бу ерда шахмат бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Унда Сирдарё вилоятининг 28 нафар иқтидорли шахматчилари ўзаро беллашдилар. Спорт усталигига номзод Маматқул ота Ҳайлаев мусобақада муносиб қатнашиб, вилоят чемпиони бўлди.

**Абдужалил УМАРОВ.**

### *Хорижда*

#### ЯПОНИЯДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА БЎЛДИ

Япониянинг Кобе ва Осаки шаҳарларида кучли зилзила бўлиб ўтди. Рихтер шкаласи бўйича 7,2 балл кучга эга булган бу зилзила натижасида 4439 киши жароҳатланди, 1456 киши ҳалок бўлди ва 1068 нафар киши бедарак йўқолди. Мутахассислар фикрича, бу кейинги 50 йил ичида Японияда рўй берган энг кучли ер силкинишидир. Зилзила маркази Япон денгизининг Авадзисима оролидадир.

Япония Бош вазири Т. Мураяма мамлакатда рўй берган фожиа муносабати билан бошига мусибат тушган оилаларга ҳамдардлик билдирди. Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда мажлисида зилзила оқибатларини тугатиш ва жабрдийдаларга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳукумат комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

***ПЕКИН.*** *Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко расмий ташриф билан Хитойга келди. У ХХР Раиси Цзян Цзэмин, Бош вазир Ли Пэн ва бошқа расмий кишилар билан учрашади. Беларус Президентининг ХХРга ташрифидан мақсади икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашдир.*

ххх

***НЬЮ-ЙОРК.*** *АҚШ Россия Президенти Ельциннинг «мамлакатда демократияни сақлаб қолиш борасида муваффаққиятга эришишини» истайди. Америка сенатида кўпчиликни ташкил этадиган Республикачилар партияси раҳбари Роберт Доул журналистларга шуни маълум қилди. У Си-Эн-Эн телекомпанияси орқали чиқишида «Чеченистонда бўлаётган воқеалар Ельцинга катта зарар етказишини» таъкидлади.*

ххх

***БИШКЕК.*** *Қирғизистонда фуқароларга янги паспорт берила бошланди. Биринчи паспорт республика Президенти Асқар Акаевга берилди. Ҳужжат мамлакат ичкарисида бўлгани каби, хорижий давлатларда ҳам фойдаланиш учун мўлжалланган. Дастлабки 100 минг дона паспорт АҚШда тайёрланди.*

ххх

***ПАРИЖ,*** *Франциянинг ҳукуматга тегишли бўлмаган «Экилибр» ташкилоти Арманистон ва Озарбойжонга инсонпарварлик ёрдами юкларини жўнатди. Маълум бўлишича, бу ташкилот қароргоҳи жойлашган Лион шаҳридан 27 декабрда йўлга чиққан 11 автомашина 8 ва 10 январь кунлари Ереванга ва Бокуга беталафот етиб келди.*

ххх

***МОСКВА.*** *Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон иқтисодий форумига бора олмайди, деб хабар берди Россия раҳбарининг халқаро масалалар бўйича ёрдамчиси Дмитрий Рюриков. Борис Ельциннинг Щвейцарияга сафари Чеченистондаги воқеалар туфайли қолдирилди, деди у.*

ххх

***САНКТ-ПЕТЕРБУРГ.*** *Финляндия Президенти Мартти Ахтисаари Санкт-Петербургга ташриф буюрди. У Петербург шаҳри ва Ленинград вилоятининг раҳбарияти билан Россиянинг Кирши шаҳридан Финландияга газ қувурлари ўтказиш масаласини муҳокама қилади, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.*

***(ЎзА, РАТА-ТАСС ва Рейтер хабарлари асосида тайёрланди).***

